


623.41
P497

Н. С. РИЖЕВ

ЃЎЗАНИ СУЃОРИШ



ЎЗДАВНАШР
ТОШКЕНТ — 1948


Н. С. РИЖЕВ

Қишлоқ хўжалик фанлар кандидати

633.41
P 497

ЎЗАНИ СУҒОРИШ

Н. Ҳабибуллаев таржимаси



М У Н Д А Р И Ж А

	Бет
1. Ғўзани суғориш	3
2. Суғориш ишларини уюштириш	3
3. Экиш олтидан суғориш ва чигит суви бериш	5
4. Ғўзани ўсиш даврида суғориш	7
5. Ҳарсафарги ва мавсумий суғориш нормалари	15
6. Ғўзани ернинг ўғитганишига ва ишланишига қараб суғориш.	18
7. Суғориш техникаси	22

На узбекском языке

Н. С. РИЖЕВ

Кандидат сельхознаук

ПОЛИВ ХЛОПЧАТНИКА

Госиздат УзССР—Ташкент—1948

Редактор *Салахутдинов*

Техредактор *С. Губайдуллин*

Теришга берилди 9-II 1948 й. Босишга рухсат этилди 21-II 1948 й.
РС 19147 Қоғоз формати 51x84/16. Уч.-авт. листи 1,2. Печать
листи 1,5. Бир печ. листида 38000 ҳарф. Тиражи 20000. Шартнома
№ 96-48 Индекс қ-х. Баҳоси 80 т.

Янгийўл область босмахонаси. Заказ № 283—1948

ҒҰЗАНИ СУҒОРИШ

Сув, ўсимликнинг ҳаётида асосий ва ҳал қилучи роль ўйнайди. Ўсимлик ўсиш даврида жуда кўп сув ичади.

Буғланиш учун сарф бўладиган сувни ўсимлик ўзининг илдизлари орқали тупроқдан узлуксиз равишда олиб туриши лозим. Ўсимлик тупроқдан сув блан бирликда ўзига керакли озиқ моддаларни, масалан, фосфор, азот, калий ва бошқаларни олади.

Тупроқда сувнинг етишмай қолиши ўсимликнинг ўсини секинлаштириб қўяди ва правордида ҳосилнинг камайишига сабаб бўлади.

Ўрта Осиёнинг суғориладиган районларида ҳарбир гектар ерга экилган ғўза ўсиш даврида 10 минг кубометрдан ортиқ сув сарф қилиши мумкин. Шу сувнинг фақат учдан бир қисми тупроқнинг устида буғланиб кетиб, учдан икки қисми ўсимлик танасида сарф бўлади.

Пахта даласида сарф бўладиган сувнинг ўрнини тўлдирмоқ учун тупроқда етарли миқдорда ва доим нам бўлиши лозим. Шундагина ўсимлик сув блан узлуксиз таъминланиб туради.

Доимий равишда катта ҳосил олиш учун ғўза экилган ерларни ўз вақтида тўғри суғоришга ўрганиб, суғориш учун сарф бўладиган сувнинг исроф бўлишига йўл қўймаслик керак. Суғоришга керакли сувни эҳтиётлаб сарф қилишга интилишни ўрганиш керак, чунки сув халқ мулкидир.

СУҒОРИШ ИШЛАРИНИ УЮШТИРИШ

Суғориш вақтида сувнинг ариқларда ва суғориладиган ерларда нес-нобуд бўлишига йўл қўймай, суғориш ишини ўз вақтида ўтказиш керак. Бунинг учун барча ариқлар ва гидротехника иншоатлари олдидан тайёрланиб

қўйилиши керак, чигит экилгандан кейин уларнинг ҳаммаси яна бир мартаба текшириб чиқилиши ва кам-кўстлари тузатилиши лозим. Суғориш учун ёрдамчи тариқасида қазиладиган ўқариқларни ҳам ўз вақтида тайёрлаб қўйиш керак. Суғориш учун керак бўладиган найчаларни, сувни тўсиш учун керак бўладиган шох ва чимларни, шу каби керакли нарсаларни биринчи суғориш олдидан тайёрлаб, жой-жойига жойлаштириб қўйиш керак. Муваққат ариқлар (масалан, ўқариқлар) эгатларнинг қай томонга қараб очилишига ва узунлигига кўра, далада етарли миқдорда бўлиши лозим.

Суғориш вақтида колхозга бериладиган сувнинг ғўзани суғориш учун тўла равишда истифода этилишини қаттиқ назорат қилиб туриш керак. Тўғонлар ва эгатлар тасодикий равишда ювилиб кетган ва сув уриб кетган пайтларда уларни дарҳол тузатиб қўйиш лозим. Бу соҳада қилинган кузатишлар шуни кўрсатадики, суғориш ишларига э‘тиборсизлик билан қараш ва ариқларнинг тузатилмасдан қолиши сувнинг беҳуда сарф бўлишига, кераксиз ерларга оқиб кетишига ва шу туфайли суғориш учун берилган сувнинг 50 процентга қадар қисми исроф бўлишига сабаб бўлади. Сувнинг бу тариқа беҳуда исроф бўлиши натижасида ерларни зах босиб кетади, йўллар бузилади, тўғонларни сув уриб кетади ва шу снгари кўнгилсиз ҳоллар рўй беради.

Бир вақтда суғориладиган ер майдонининг миқдори колхознинг ўзига тегадиган сувнинг миқдорига қараб белгиланиши лозим. Бунда шу нарсани эсда тутиш керакки, бирданига суғориладиган ер майдонига сув берилганида ёки унинг бир қисми суғорилганида, шу ерлар суғоришдан кейин бир вақтда ишланадиган бўлиши лозим. Бир картадаги ерни турли муддатларда суғорган вақтда ер ҳам биртекисда етилмайди, шу сабабли уни ишлаш муддати узоққа чўзилиб кетади. Бу эса ишчи кучлардан ва тракторлардан фойдаланишни қийинлаштиради.

Суғоришнинг сифатига алоҳида э‘тибор бериш керак. Суғориладиган ерлар биртекисда намланиши зарур. Бунинг учун ерлар яхши текисланиши, барча эгатлардан

оқадиган сув миқдори биртекисда бўлиши лозим. Далаларга биртекисда сув берилмаганда айрим жойнинг гўзалари қақраб қолиши мумкин. Бу эса гўзанинг ўсишини секинлаштириб, ҳосилни камайтириб қўяди. Бундан ташқари, ер майдони ёмон текисланганлиги сабабли баландроқ ерларда тупроқ шўрлаб кетиши мумкин. Суғориш вақтида пахта ерининг ҳаммаси биртекисда намланиши лозим. Ёмон суғориш орқасида ерларнинг биртекисда намланмаслигига, эгат марзаларини сув босиб кетишига, эгатларни сув уриб кетишига ва ерининг етарли даражада чуқур намланмаслигига асло йўл қўймаслик керак ва бундай ҳолларни қаттиқ тақиқлаш лозим.

Сувдан тўла фойдаланиш ва сувнинг буғланиб исроф бўлишини камайтириш учун кеча-кундуз тўхтовсиз суғориш зарур. Экинга кеча-кундуз сув қўйилганда навбатлаб суғориш иши тезлашади, сувни беҳуда оқизиб юбориш камайтирилади ва бир суғоришдан иккинчи суғоришгача бўлган давр қисқаради. Суғоришнинг яхши сифатли қилиб бажарилиши учун бу ишга тажрибали кишиларни ажратиб, уларга суғоришдан олдин тегишли йўл-йўриқлар бериш лозим.

Биринчи суғориш учун трактор культиватори билан эгат олган маҳалда ўсимликларни тупроққа қўмиб юбормаслик учун оқучникнинг қанотини олиб қўйиш керак. Кейинги суғоришлар учун эгат олган маҳалда бу қанот яна ўз жойига ўрнатиб қўйилади.

ЭКИШ ОЛДИДАН СУҒОРИШ ВА ЧИГИТ СУВИ БЕРИШ

Чигит экишдан бир оз олдин суғоришни экиш олдида суғориш деб айтилади. Бу суғориш билан тупроқнинг устки қатлами яхши намланиб, ер тез қуриб қолмайди, экиш олдида қилинадиган ишлар яхши бажарилади ва чигит текис униб чиқади. Ерларни қишда суғоришдан мақсад ҳам шу бўлиб, бу ҳам тупроқнинг устки қатламини нам билан таъминлайди ва чигитнинг текис униб чиқишига сабаб бўлади. Аммо ҳар қандай суғоришнинг ҳам ўзига яраша асосий мақсади

бор. Бундан ташқари, ҳаргалги суғориш учун ўзига яраша ҳархил норма белгиланади.

Чигит экиш олдидан суғориш учун ҳамавақт ва ҳарқандай ерларга мумкин қадар камроқ нормада*, яъни бир гектарга 500—600 кубометр миқдорида сув берилади. Енгил тупроқларни, шағал қатлами юзароқ бўлган тупроқларни ва қурғоқчилик бўлиб қолганида бошқа ҳамма ерларни мана шу тариқа экиш олдидан суғориш керак, чунки қурғоқчилик кучайиб кетган пайтларда тупроқ қақраб қолиб, уни экиш учун тайёрлаш қийин бўлиб қолади. Ғўза ўсиш вақтида суғорилганда сувни эгатлар орқали берилгани каби, экиш олдидан суғорганда ҳам эгатлар орқали суғорилади.

Чигитни эккандан кейин ғўзанинг униб чиқишини тезлатиш мақсадида суғоришга—чигит суви бериш деб айтилади.

Ерларни экиш олдидан суғориш ва чигит суви бериш қуйидаги ҳолларда айниқса зарур бўлиб қолади. Ўрта Осиёнинг кўпгина пахта районларида тахминан апрель ойидан бошлаб тупроқдаги сувнинг буғланиш учун сарф бўлиши унга тушадиган ёғинларнинг миқдорига қараганда кўпайиб кетади. Тупроқдаги намлик бунинг орқасида тобора камайиб етишмай қолади, бу эса чигитнинг униб чиқишини қийинлаштириб қўйиши мумкин.

Тупроқнинг намлиги ва ҳаво иссиқлиги етарли бўлса, чигит экилгандан кейин 5—6 кун ичида униб чиқади. Намлик етишмай қолганида чигитнинг униб чиқиши кечикиб кетади, бу нарса ғўзанинг сийракланиб қолишига ва биртекисда ўсмаслигига сабаб бўлади. Оғир ерларнинг намлиги камида 17 процент бўлганида, ўрта ерлардаги намлик 14 процент ва енгил ерлардаги намлик 11—12 процент бўлганида ғўза биртекисда, яхши униб чиқади. Ер етилганида ундаги намлик шу кўрсатиб ўтганимизча бўлади. Буни тупроқни пайпаслаб кўриб, пайқаб олиш мум-

* Суғориладиган ернинг бир гектарига бериладиган сувнинг миқдори суғориш нормаси деб айтилади. Суғориш вақтида чиқариб юбориладиган сув бу ҳисобга кирмайди.

кин. Об-ҳаво шароитининг ноқулайлиги натижасида ёки ер яхши ишланмаганлиги орқасида ер қақраб қолиб, чигитнинг униб чиқиши чўзилиб кетган маҳалдагина чигит суви бериш керак. Бунда шу нарсани кўзда тутиш керакки, ҳарқандай суғориш ҳам ғўза ўсимлигига фойда қилиши блан бирга, ерни ивитиб ювади, ер ўлтиришади, ерни совутиб қўяди, натижада қатқалоқ бойлаб ерга сув сингишини ва ҳаво киришини қийинлаштиради. Шу сабаблы тупроқни мумкин қадар узоқроқ муддат мулоҳим ҳолда сақламоқ учун уни қишда суғориш ва яхшилаб ишлаб қўйиш керак. Шундай қилинганда чигит суви бериш учун кўпинча эҳтиёж бўлмайди.

Чигит суви камроқ норма блан, бир гектарига 500—600 кубометр миқдорида ва эгат оралатиб берилади. Бунинг учун чигит экиш блан бир вақтда эгат олинади. Сув эгатларнинг намланишига қараб берилади, яъни чигит экилган қатор қораябошлаши блан суғориш тўхта-тилади. Тупроқнинг қатқалоқ бойлашини камайтириш учун эгатларга сувни камроқ оқизиб, эгатларнинг сув босиб кетишига ва айниқса чигит экилган қаторнинг сувга кўмилиб кетишига йўл қўймаслик керак. Акс ҳолда ер қатқалоқ бойлаб чигитнинг униб чиқиши жуда қийин бўлади.

ҒЎЗАНИ ЎСИШ ДАВРИДА СУҒОРИШ

Ғўзани етарли миқдорда сув блан таъминлаб унинг бемалол ўсишига имкон бериш учун, ғўза ўсиш даврида бирнеча марта суғорилади. Тупроқдаги намни ўсимликнинг ўсиши учун ва ернинг ўзида бугланиб кетиши учун сарф бўлишини юқорида айтиб ўтган эдик. Тупроқда нам бирмунча камайиб қолган тақдирда, сувнинг ўсимлик илдизига кириши секинлашади ва ўсимлик сўлий бошлайди. Ғўзани етилган вақтидаги суғоришдан бошқа вақтларда ҳамавақт унга сўлимасдан илгари сув бериш лозим. Ғўзанинг сўлий бошлаши тупроқнинг бирмунча қуриб қолганлигини кўрсатади, бу эса ҳосилнинг камайишига сабаб бўлади.

Бирқанча текширишлар натижасида шу нарса ма'лум бўлдики, ғўзани бирмунча эртароқ суғориш унинг ўсишини анча тезлаштириб, ғўзанинг гуллаш ва етилиш сур'атини оширади, бу эса биринчи теримни эртароқ бошлаб, кўпроқ пахта олишни та'минлайди.

Шу сабабли биринчи суғориш муддатини тўғри белгилашнинг жуда катта аҳамияти бор. Ғўза гуллаганига қадар бўлган давр ичида ернинг қақраб қолиши ғўзанинг ўсишини ва ривожланишини секинлаштириб қўяди, ҳосилнинг кечроқ етилишига сабаб бўлади, қора совуқлар бошлангунча териб олинадиган пахтанинг миқдорини камайтиради ва маҳсулотнинг сифатини ёмонлаштиради.

Аммо ғўзани ошиқча суғориб юбориш ҳам фойда бермайди. Ошиқча суғориш натижасида тупроқ жуда совиб кетиб, қатқалоқ бойлаб қолади, ўсимлик нимжон ўсади, унинг илдизлари ерга яхши таралмай, ғўза гулга кирганда уни кўпроқ суғориш керак бўлади. Ғўза гуллагунча жуда кўп сув бериб ўстирилганида, гуллаш даврида у кўпроқ суғоришни талаб қилади. Натижада бу даврда тупроқдаги нам салгина камайиб қолгундек бўлса, ғўза гулини тўкиб юборади. Хуллас, ғўза гуллагунча ва ундан кейинги даврларда сувни кам бериш ҳам, нормадан кўп бериш ҳам пахта учун зарарлидир.

Ғўза гуллаганига қадар бўлган давр ичида ернинг қақраб қолиши ёки унинг ортиқча суғорилиши пахта ҳосилига қандай та'сир қилганлигини СоюзНИХИ Оққовоқ тажриба станциясининг қуйидаги (1-нчи жадвал) маълумотларидан яққол кўриш мумкин.

Бу тажриба 1937 йилда, эскидан ҳайдалиб экин экиб келинган, ўғитланган, огир қумлоқ ерда ўтказилди, 1938 йилда эса эски бедапоя бузиб ҳайдалган ерда ўтказилди. Тажриба натижалари бундай ерларда ғўза гуллагунча бир марта суғориш кифоя қилмаганлигини, 3—4 марта суғориш эса ошиқча бўлганлигини кўрсатади.

Ғўза гуллагунча икки марта, гуллаш даврида беш марта суғорилганида қора совуқ бошлангунча олинган ҳосилнинг миқдори 1937 йилда 6,8 центнер, 1938 йилда эса 8,3 центнер кўпайганини кўрсатади, ваҳоланки, уму-

Ўзгача етарли сув бермаслик ва ошиқча сугориб юборилининг пахта ҳосилига таъсири

Йиллар	Сугорилиш* схемаси	Ўзгача гуллашга қадар сугорилиш муддатлари	1 гектардан олинган ҳосил (центнер ҳисобида)			Ҳосилнинг қўшиллиши	
			қора совуқ бошлан- гунча	қора со- вуқдан кейин	ҳаммаси	қора совуқ бошлангунча	қора совуқдан кейин
1937	1-5-I	26-V	31,4	13,4	44,8	—	—
	2-5-I	25-V, 2-VII	38,2	10,2	48,4	6,8	3,6
	3-5-I	25-V, 14-VI, 1-VII	39,9	8,4	48,3	8,5	3,5
1938	1-5-I	20-VI	37,0	11,3	48,3	—	—
	2-5-I	1-VI, 20-VI	45,3	4,1	49,4	8,3	1,1
	4-5-I	17-V, 7-VI, 9-VI, 18-VI	45,1	3,6	48,7	8,1	0,4

* Сугорилиш схемасида биринчи рақам ўзгача гуллашга бўлган сугорилишнинг миқдорини, иккинчи рақам ўзгача гуллаш даврида бўлган сугорилишнинг миқдорини, учинчи рақам эса пахта етилган вақтда бўлган сугорилишнинг миқдорини кўрсатади.

мий-ҳосил биринчи ҳолда фақат 3,6 центнер, иккинчи ҳолда эса 1,1 центнер кўпайди.

Бу тажрибадан кўрамизки, эртароқ суғориш ва кўпроқ миқдорда (икки марта) суғориш ҳосилнинг сифатини яхшилаб, териб олинган пахтанинг умумий миқдорини анча кўпайтиради. Суғориш миқдорини 3—4 мартага етказиш эса икки марта суғоришга қараганда ҳосилни кўпайтирмаган ва унинг сифатини яхшиламаган. Демак, ғўза гуллагунча икки марта суғориш мазкур агротехника шароитида ғўзанинг яхши ривожланиши учун етарли бўлган.

Ғўза гуллагунча биринчи суғориш муддатини тупроқнинг намлигига ва ғўзанинг аҳволига қараб белгилаш керак. Ўсимликнинг ўсиши жуда секинлашиб қолган пайтда яна суғориш кераклиги ўз-ўзидан равшан бир нарс.

Биринчи ва ҳатто иккинчи марта суғориш вақтида ғўза унчалик катта бўлмай, унинг ташқи кўринишига қараб, суғориш муддатини белгилаш қийинроқ бўлса, тупроқнинг намига қараб иш кўриш керак.

Бирқанча текширишлар натижасида шу нарс маълум бўлдики, тупроқдаги мустаҳкам намнинг миқдори* 70% бўлганида ғўзани суғориш керак. Намлиги шундай бўлган тупроқни етилган тупроқ деб ҳисоблаш мумкин. Бу пайтни ўтказиб юбормаслик учун ҳайдаладиган қатламнинг пастки қисмидаги тупроқни олиб, унинг намлигини қўл билан пайпаслаб кўриб туриш керак. Тупроқнинг ёпишқоқлиги йўқолиши билан бирга уни уқалаганда майдаланиб кетмайдиган бўлса, бу нарс унинг „етилганлиги“ни кўрсатади.

СоюзНИХИ Оққовоқ тажриба станциясида ўтказилган тажрибалар бўзтупроқ ерларда биринчи ва иккинчи суғориш (ғўза гуллагунча суғориш) муддатларини белгилаш учун мазкур усулдан тўла равишда фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди (иккинчи жадвал).

*Тупроқдаги мустаҳкам намнинг миқдори деб унинг усти намроқ бўлгани ҳолда, унда бўлган сувнинг қаттиқ сақланиб туришига айтилади.

Тупроқнинг „етилиши“га қараб ва туш пайтида ғўза”нинг остки барглари сезилар-сезилмас сўлиганлигига қараб суғорилганда ҳосил жуда яхши бўлган. Айтиб ўтиш керакки, ғўзабарглари сал-пал сўлишигагина қараб суғориш керак, унинг барглари жуда сўлиб қолган тақдирда ҳосил анча камайиб кетади. Бу нарса тажрибалар блан исбот этилган.

Биринчи суғоришнинг (бошқа ҳамма суғоришларнинг ҳам) календарь муддатини белгилаб бериш мумкин эмас. Бўз ерларда ғўза 3—5 чинбарг чиқарганида биринчи сув берилади. Енгил ерларда ва бошқа ҳамма ерларда, я’ни шағал ва қум қатлами 0,5 метрдан юза бўлган ерларда ғўза 2—3 чинбарг чиқарганида биринчи суғоришни бошлаш керак. Аксинча, ўтлоқ ерларда биринчи суғориш кечроқ, тахминан июнь ойида бошланади.

Ташқи белгиларга қараб суғориш муддатларини белгилайолиш учун кўп тажриба ҳосил этиш керак.

Ўзанинг сув талаб қилганлигини кўрсатадиган ташқи белгилар—барглarning сўлийбошлаши, уларнинг қораябошлаши, ўсишининг секинланиши ва далада ғўза гули-

2-нчи жадвал

Суғорабошлаш учун қандай бел- гиларга амал қилиш керак	Схема	Мавсу- мий су- ғориш нормаси	Ўзапоя- сининг бўйи	Кўсак- ларнинг сони	Ҳарбир гек- тардан олин- ган ҳосил, центнер ҳи- себида	
					Ҳам- маси	Қора со- вуқ бош- лангунча
1. Поянинг қиза- риши	1—5—1	5200	74,6	11,5	44,8	70,8
2. Туш пайтида барглarning сал-пал сўли- ши	2—5—1	6000	81,2	12,3	48,4	77,9
3. Тупроқнинг 10—20 см чу- қурликда ети- лиши	3—5—1	6800	81,4	12,2	48,3	82,7
4. Берилган схема	3—5—1	6800	76,3	10,8	47,6	79,2

нинг кўринабошлашидир. Ғўза чанқамаган бўлса, унинг барглари туш пайтида сўлимайди (ёки сўлиганда ҳам унчалик сезилмайди), барглари оч яшил ёки яшил рангда, гули унчалик юқорида бўлмай, баргларининг орасида ётади.

Баргларнинг рангига қараб, суғориш муддатларини белгилаш ҳаммадан кўра яхшироқ. Тажрибалар ва кузатишлар шунини кўрсатадики, ғўза барглари рангининг қораябошлаши тупроқдаги намнинг етишмай қолганлигидан ва ғўза сув талаб бўлиб қолганидан дарак беради. Лекин, ташқи белгиларнинг ҳаммаси ҳам етарли равишда аниқ бўлмайди, шу сабабли суғориш муддатларини шу белгиларга қараб фақат тахминий равишдагина аниқлаш мумкин. Ғўзанинг ташқи белгилари, масалан, баргларнинг ранги, гулларнинг жойланиши, ғўза поясининг ранги ва бошқалар тупроқнинг сув билан қай даражада таъминланганигагина эмас, балки ернинг ҳосилдорлигига, ғўзанинг ёшига ҳам қарайди. Шунинг учун бу белгиларга қараб ҳам суғориш муддатларини фақат тахминан белгилаш мумкин.

Тажриба станцияларининг текширишлари шунини кўрсатадики, ғўзани гуллаш даврида ҳам етарли суғормаслик ёки ошиқча суғориб юбориш зарарлидир. Ортиқча суғориб юбориш ғўзанинг ўсиш муддатини чўзиб юборди, уни ғовлатиб, баъзан ғўзанинг гули тўкилиб кетишига сабаб бўлади.

Ғўза гуллагунча ва гуллаган даврда ҳам суғориш муддатларини энг яхши ва аниқ белгилаш усули—тупроқнинг намлигини текширишдир. Ғўзанинг бутун ўсиш давридан бошлаб пахта етилгунча суғориш олдидан тупроқнинг мустаҳкам намлик даражаси ҳарқандай шароитда ҳам 70 процентдан паст бўлмаслиги керак.

Ғўзанинг ҳарқайси ўсиш даврида неча марта суғорилишига қараб пахта ҳосилининг қандай ўзгаришини СоюзНИХИ Федченко тажриба станциясида ўтказилган қуйидаги тажрибадан кўриш мумкин (3-нчи жадвал).

Бу тажрибалар ерости сувларининг чуқурлиги 1—1,6 метр бўлган ва сағал шўрланган ўтлоқ ерларда ўтка-

Вўзани суғориш миқдори ва ҳарбир ўсиш даврида неча марта суғоришнинг пахта ҳосилига таъсири

Суғориш схемаси	мавсумий суғориш нормаси	Бир гектардан олинган ҳосил (сентнер ҳисобида)
1—3—0	3000	41,2
2—3—0	3600	42,5
3—3—0	4200	43,9
2—3—1	4200	37,8
1—4—0	3800	45,4
2—4—0	4400	46,1

зилган. Бундай шароитларда пахта етилган вақтда суғориш (схема 2—3—1) ҳосилни камайтиради. Бунга сабаб ўсиш даврининг чўзилиб кетишидир. Вўза гуллагунча суғориш миқдорини бир-икки мартадан ошириб юбориш, гарчи ҳосилни камайтирмаса ҳам, уни сезиларлик равишда кўпайтирмайди. Вўза гуллаган вақтда бир марта ортиқча суғориш ҳосилни анча кўпайтиради (1—3—0 схемаси блан 1—4—0 схемасини ва 2—3—0 схемаси блан 2—4—0 схемаларини таққослаб кўринг).

Яна шу нарсани назарда тутиш керакки, юқорида келтирилган мисоллар фақат суғориш миқдори ва сувни ўз вақтида беришнинг аҳамиятинигина кўрсатади. Лекин бу мисолларга ҳамавақт амал қилиб бўлмайди. Суғоришнинг умумий миқдори, сув бериш муддатлари, ҳарсафарги ва мавсумий суғориш нормалари бирқанча шароитларга: тупроқнинг хусусиятига, ерости сувларининг чуқурлигига, сув таъминотига ва бошқа шунинг сингариларга боғлиқдир. Ҳарбир айрим ҳолда сув бериш муддатларини ва суғоришнинг умумий тартибини айрим-айрим белгилаш керак. Яна, бу шартлардан ташқари, ғўзанинг ўсиши ва умумий аҳволини ҳам эътиборга олиш лозим. Ҳосил катта бўлаётганида кўпроқ, пастроқ бўлаётганда эса камроқ суғориш керак.

Ўсиш даврининг охирида пахтанинг етилишини тезла-тиш учун тупроқнинг намини аста-секин пасайтирабориш керак. Бунинг учун суғоришнинг миқдорини камайтириш ва бериладиган сувнинг нормасини озайтириш керак. Брок, суғоришни тўхтатиб қўйиш сабабли тупроқнинг намини муддатидан олдин ва анча камайтириб қўйиш ғўзанинг ўсиши тўхталиб қолишига ва ҳали етилмаган кўсаклар-нинг очилиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Умуман ғўза етилган даврда эҳтиётлик блан суғориш ва суғорганда ҳам озроқ норма блан сув бериш керак.

Ќўзанинг ўсиш даврида уни неча марта суғориш ва қайвақтларда суғориш керак?

Бунинг учун фақат тахминий нормалар ва суғориш схемаларини тавсия қилиш мумкин. Ҳарбир айрим ҳолда ғўза ўстирилаётган шароитга ва унинг аҳволига қараб иш кўриш керак. Ҳарҳолда суғоришнинг тахминий схе-масини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ерости сувлари чуқурроқ бўлган оғир тупроқ ерлар-да ғўза гуллагунча бир-икки марта суғориш, биринчи сувни ғўза 3—4 барг чиқарганда бериш, иккинчи сувни эса биринчи суғоришдан 20—25 кун ўтгандан кейин бе-риш керак. Шагал ёки қум қатлами юзароқ бўлиб, ер-ости сувлари чуқурроқда бўлган енгил ерларда 3 ва баъ-зан 4 марта сув бериш керак. Ғўза гуллагунча неча мар-та суғорилган бўлса, гуллаган даврда шу ҳарбир суғо-риш учун 2—3 марта сув бериш керак. Бундай ерлар учун тахминан қуйидаги схемани тавсия этиш мумкин: 1 гек-тарга бутун мавсумда бериладиган сув нормаси 5000—7000 8000 кубометр бўлганда 1—3—1, 2—4—1, 2—5—1 ва 3—6—2 схемаларини қўлланиш керак.

Ерости сувлари 1—2 метр чуқурликда бўлган ўтлоқ ерлардаги ғўзаларни гуллагунча 1—2 марта гуллаш даврида эса 3—4 марта суғориш керак. Бундай ердаги ғўзалар етил-ган вақтида суғорилмаса ҳам бўлади. Бу ерларнинг ғўзаси қуйидагича суғорилади: бутун мавсумда бериладиган сув нормаси 1 гектарга 4000—5000 кубометр бўлганда 1—3—0 ва 2—4—0 схемалари қўлланилади. Ерости суви 1 метр-гача чуқурликда бўлган ўтлоқ-тўқай ерларда ғўзанинг

ўсиш даврида 0—2—0 ва 1—2—0 схемаларига мувофиқ 2—3 марта суғориш керак.

Шу юқорида айтилганларга биноан чиқариладган хулоса шуки, ҳарбир шароит учун маълум суғориш тартиби қўллангандагина ғўзадан энг яхши ҳосил олиш мумкин.

Бу бобни тамомлашдан олдин ғўзани „чиниқтириш“ деган назарияга ҳам тўхтаб ўтиш керак. Шу назарияга кўра, ғўза дастлабки ўсиш давридан то гуллагунча уни сувдан жуда сиқиб қўйилади, яъни ғўза сра суғорилмайди ёки фақат бир марта суғорилади. Бу назария тарафдорларининг фикрича, мана шундай „чиниқтирилган“ ғўза ноқулай шароитларда яхшироқ ўсадиган бўлади, кўсак новдаларини яхшироқ ривожлантиради, яхши шоналаб кўпроқ ҳосил беради. Бу назария 1930—1931 йилларгача давом этиб келди, сўнгра бу назария, амалда тўғри бўлмаганидан, рад қилинди.

Ғўзани „чиниқтириш“ назариясидан кейин тарқалган иккинчи нотўғри фикр тўғрисида ҳам айтиб ўтиш керак. Бу фикр тарафдорлари ҳаддан ташқари эрта суғориш кераклигини тавсия қиладилар. Улар амалда чигит экиб бўлиш блан, тупроқнинг ҳали нами кетмай туриб ва суғоришга эҳтиёж бўлмай туриб, сув берабошлайдилар.

Албатта, чанқатиб қўйиш ҳам, шунингдек ҳаддан ташқари эрта суғориш ҳам ғўза учун зарарли бўлиб, бу тариқа суғоришни асло тавсия қилиб бўлмайди.

ҲАРСАФАРГИ ВА МАВСУМИЙ СУҒОРИШ НОРМАЛАРИ

Суғориш вақтида ерга бериладиган сувнинг каттагига қисми тупроққа сингиб кетиб, камроқ қисми бугга айланиб кетади.

Ҳарсафарги суғориш нормаси тупроқнинг хусусиятига (унинг сув сақлаш қобилиятига), ерости сувларининг чуқурлигига, ғўзанинг ёшига ва районнинг сув блан қанчалик таъминланганига қараб белгиланади. Ҳамма ерларда ҳам 1000—1100 кубометрдан ортиқ норма блан сув бериш пахтанинг ўсиши учун яхши натижа бермайди, чун-

ки бу ҳолда сув ернинг остига сингиб кетади ва ғўза ундан тўла фойдаланмайди.

Суғориш нормаси камроқ бўлганида, аксинча, тупроқ камроқ намланади ва сув тезроқ бугланиб кетади. Тупроқнинг намлигини текшириш натижалари шуни кўрсатдики, июль—август ойларида ўсимлик сувнинг асосий қисмини 20—90 сантиметр чуқурликдан олади. Тупроқнинг энг устки қатламлари тез қуриб қолади ва бутун ўсиш даврида ғўзани сув блан таъминлайолмайди.

Бу соҳада қилинган ҳисоблар ва кузатишлар шуни кўрсатадики, бир гектарга 500—600 кубометр миқдоридаги кам суғориш нормаси оғир тупроқни 40—45 сантиметрдан чуқурроқ намламайди. Тупроқ унчалик чуқур намланмаган вақтда суғориш учун берилган сувнинг кўпгина қисми ғўзанинг ўсишига сарф бўлмай, балки тупроқнинг устки қатламида бугланиб йўқ бўлиб кетади.

Суғориш нормасининг ғўзанинг ўсишига ва ҳосилига қандай таъсир қилиши СоюзНИХИ Оққовоқ тажриба станциясининг қуйидаги маълумотларидан яққол кўринади (4-нчи жадвал).

4-нчи жадвал

Ўзанинг ўсишига ва ҳосилига суғориш нормаларининг таъсири

Суғориш схемалари	Суғориш нинг миқ- дори	Ҳарсафар- ги суғориш нормаси	Бутун мав- сумда су- ғориш нор- маси	Ўзанинг ба- нинг ба- ланилиги	Қўсақлар- нинг сони	Ҳосил
1—4—1	6	1080	6500	76,6	12,7	31,3
2—5—1	8	810	6500	91,6	13,5	34,5
3—6—1	10	650	6500	87,8	11,6	30,9


Бу тажрибада 810 кубометр миқдоридаги суғориш нормаси қўлланилганида бир гектардан энг кўпи 34,5 центнер ҳосил олинганлиги кўринади. Мавсумий суғориш нормаси бирхилда бўлгани ҳолда, ҳарсафарги суғориш нормасининг кўпайтирилиши ёки камайтирилиши ҳосилни пасайтирган. Ўзанинг ўсишини кузатиб бориш шуни кўрсатдики, ҳаргалги суғориш нормаси камроқ бўлганида, ғўза туш пайтида анча сўлийти, правардида ҳосили камайтирилади.

39440
Биринчи галда, тупроқ шароитига ва ерости сувлари. нинг чуқурлигига қараб, ҳаргалги суғориш нормасини алоҳида-алоҳида белгилаш керак. Масалан, намни ўзида қаттиқ ушлаб турадиган соғ тупроқ ерлар учун бир гектарга 700 кубометр миқдоридagi суғориш нормасини етарлик деб бўлмайди, намни (сувни) ўзида унчалик яхши ушламайдиган енгил ерлар учун эса бу норма етарлик ва ҳатто бирмунча ортиғроқдир. Бундан шундай хулоса чиқариш керак: тупроқ қанчалик оғир (соғ тупроқ) бўлса, суғориш нормаси шунчалик катта ва шунчалик сийрак суғорилиши лозим; тупроқ қанчалик енгил бўлса, суғориш нормаси шунчалик кам бўлиб, тез-тез суғориб туриш лозим. Ерости сувлари 1,5—1,0 метрдан юза-роқ бўлган ўтлоқ ва ўтлоқ-тўқай ерларда ҳам ҳарсафарги суғориш нормасини камайтириш керак. Бундан ташқари, ҳарсафарги суғориш нормасини белгилаганда ғўзанинг ёшига ҳам эътибор бериш лозим. Кўклам пайтида, яъни ғўза гуллагунча, ғўзанинг томирлари унчалик чуқур ривожланмаган, сув тупроқнинг устки қатламларидагина сарф бўлади, бундай ҳолларда суғориш нормасини камроқ бериш керак. Ғўза гуллайбошлаган даврдан бошлаб тупроқнинг қуриб қолиши қучаяди ва тобора чуқурлашади, бундай вақтда суғориш нормасини кўпайтириш керак. Ўсиш даврининг охирига келиб, яъни август ойининг охиридан ёки сентябрьдан бошлаб, пахтанинг етилишини чўзиб юбормаслик учун суғориш нормасини яна камайтириш ва сийрак суғориш керак.

Қуйидаги жадвалда турли тупроқларда тажрибалар ўтказиш натижасида ҳисобланиб белгиланган суғориш нормалари кўрсатилади:

Оғир ерларда	600—1000	кубометр
Ўртача ерларда	600 — 850	"
Енгил ерларда	500 — 700	"

Ғўза гуллагунча бериладиган биринчи суғориш ерни 40—50 сантиметргача, гуллаш давридаги суғориш 80—90 сантиметргача ва ғўза етилган давридаги суғориш 40—50 сантиметргача намлаши лозим.



500—600 кубометрлик нормани биринчи ва охириги суғориш вақтларида, 700—1000 кубометрлик нормани эса гуллаш даврида қўлланиш керак. Шағал ёки қум қатлами 1 метрдан юзaroқ бўлиб сувни тез сингдирадиган ерларда суғориш нормасини камайтириб, суғориш миқдорини кўпайтириш керак.

Ўзанинг бутун ўсиш даврида пахта майдонига ҳарбир гектар учун кубометр ҳисобида бериладиган сувнинг умумий миқдори—мавсумий суғориш нормаси деб айтилади. Ўзанинг ўсиш даврида ҳарсафарги суғориш учун сарф бўлган сувнинг ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда мавсумий суғориш нормаси келиб чиқади.

Мавсумий суғориш нормасининг миқдори ҳам ҳарсафарги суғориш нормаси каби тупроқнинг хусусиятига, ерости сувларининг чуқурлигига, ҳосилга, ернинг сув билан қай даражада таъминланганига ва ҳоказоларга қараб белгиланади.

Жанубий районларда экиладиган миср пахталари америкон пахта сортларига қараганда 1—2 марта кўпроқ суғорилади. Миср пахтани биринчи суғоришни эртaroқ бошлаш керак, ундан кейинги суғоришларнинг ҳаммасини ҳам бирмунча эртaroқ ўтказиш керак. Миср пахталар етилган вақтда бир марта ва камдан-кам ҳолларда икки марта суғорилади.

Баъзи жойларда ўзанинг ўсишини тезлатиш учун камроқ норма билан тез-тез суғориш ҳоллари бор. Бундай усул билан ўза ерларини ишлаш қатъиян тақиқланади. Бундай ҳолда ўза нимжон бўлиб қолади, ноқулай шароитларга бардош беролмайдиган бўлади, гуллаш вақтида сувни ғоят кўп талаб қиладиган бўлади.

ЎЗАНИ ЕРНИНГ ЎЎГИТЛАНИШИГА ВА ИШЛАНИШИГА ҚАРАБ СУЎРИШ

Ўзани ўстиришда зарур бўлган бошқа ҳамма шароитлар, яъни ўғитлаш, ишлаш, ўсимликларининг жойланиш қалинлиги ва ҳоказолар бир хилда деб ҳисоблаганда ўзанинг ўсишига ва ҳосилига суғоришнинг қандай таъсир қилганлигини юқорида айтиб ўтдик.

Ўзани ўстиришда бир шароитни ўзгартирганда бошқа шароитларни ҳам, албатта, ўзгартириш шарт эканлиги кўпдан маълум нарса. Масалан, ерга солинадиган ўғитнинг миқдори кўпайтирилиши билан суғоришнинг миқдорини ҳам, муддатларини ҳам ўзгартириш керак.

Сув етишмаган тақдирда ўғит солиш билан ҳосил кўпаймагани каби, ерда озик моддалари етишмай қолганда бериладиган сувнинг миқдорини кўпайтириш ҳам ҳосилни оширмайди. Масалан, қурғоқчилик бўладиган ва ери суғорилмайдиган районларда сув етишмаганлиги сабабли минераль ўғитлар ҳамавақт ҳам ҳосилни оширавермайди. Сув таъминотини яхшилаш билан ўғитнинг ҳосилга таъсирини анча ошириш мумкин.

Ўғитлашнинг ҳосилга таъсири суғоришга қанчалик боғлиқ эканлигини қуйидаги тажрибадан кўриш мумкин (5-нчи жадвал).

Кўрамизки, 2—6—1 схемаси билан суғорилганда ўғитлаш натижасида энг кўп қўшимча ҳосил олинган, 1—2—0 дан иборат схема билан суғорилганда қўшимча олинмаган ҳосил камайиб 8,3 центнерга тушиб қолган; ўғитланмаган ердаги ғўзаларни яхшилаб суғориш натижасида қўшимча равишда олинган ҳосил 1,2 центнер бўлган; 180 килограмм азот билан фосфор солинган ердан олинган қўшимча ҳосил 8,0 центнерга етган. Демак, ерга солинган ўғитнинг таъсири пахта даласининг сув билан таъминланишига боғлиқ экан. Худди шунингдек суғоришнинг таъсири ҳам ерга ўғит солинишига боғлиқ.

Бошқа бирқанча текширишлар ҳам шу нарсани кўрсатадики, ўзи серунум бўлиб, яхши ўғитланган ерларда кўпроқ ҳосил олиш учун суғориш нормасини ортдириш керак. Аммо ерга ўғит солишни яхшиламасдан туриб, уни кўпроқ суғориш ҳосилни янада оширмайди.

Яна шу нарсани айтиб ўтиш керакки, азот билан фосфорни ерга тўғри ўлчаб ва ўз вақтида солганда суғориш сонини кўпайтириш ҳосилдор ерларда ғўзанинг ўсишини кечиктирмайди, балки, аксинча, тезлаштириб, биринчи теримдан чиқадиган пахтани оширади.

Кўп ҳосил олиш учун ўғитланган ерларга мўлжалдаги

Сугорниш таринби турлича бўлганда ўнгитлашининг пахуга ҳосилдига таъсирин

Бир гектарга солинган ўғит (килограмм ҳисобида)	Бир гектардан олинган пахта ҳосили (центнер ҳисобида)		Ўғитлаш натижасида олинган қўшимча ҳосил						Сугорил натижа- сига олинган қў- шимча ҳосил	
	1-2-0	1-4-1	2-6-1	1-2-0	1-4-1	2-6-1	1-4-1	2-6-1	1-4-1	2-6-1
Азот—0; фосфор—0	20,2	23,9	21,4	—	—	—	—	—	3,7	1,2
“ 60 “ 60	25,0	29,6	27,4	4,8	5,7	6,0	—	—	4,6	2,4
“ 90 “ 90	26,0	30,9	30,5	5,8	7,0	9,2	—	—	4,9	4,6
“ 120 “ 120	27,0	32,9	33,7	6,8	8,9	12,3	—	—	5,8	6,7
“ 180 “ 180	28,5	33,9	36,5	8,3	10,0	15,1	—	—	5,4	8,0

ҳосилга яраша кўп норма блан сув қўйилмайди. Ҳажрибалар шуни кўрсатадики, ҳосилни 2—3 марта кўп олиш учун сув 1,5—2 мартагина кўп сарф қилинади, ба'зан эса бундан ҳам камроқ сарфланади.

Бундан шу келиб чиқадики, агротехника усуллариининг яхшиланиши орқасида ҳосилнинг кўпайиши блан 1 кубометр сувнинг ҳиссасига тушадиган ҳосил кўп бўлар экан. Буни қуйидаги мисол блан кўрсатиш мумкин: СоюзНИХИнинг Оққовоқ тажриба станциясида 1926 йилда мавсумий суғориш нормаси 1 гектарга 4400 кубометр қилиб белгилангани ҳолда 5 марта суғорилиб 11 центнер пахта олинган, 1935 йилда эса мавсумий суғориш нормаси 5200 кубометр қилиб белгилангани ҳолда 7 марта суғориб 21 центнер; 1940 йилда мавсумий суғориш нормаси 8200 кубометр қилиб белгилангани ҳолда 8 марта суғориб 44,6 центнер ҳосил олинган.

1926 йилдан 1940 йилгача ҳосил 3—4 марта кўпайгани ҳолда, суғориш учун сарф бўлган сув фақат 1,5—2 марта кўпайган. Сарф бўлган сувнинг ҳиссасига тушадиган ҳосил ҳам шу нисбатда кўпайган.

Бинобарин, бирхилда ҳосил олмоқ учун камроқ ўғитланган ёки ўғитланмаган ерларга қараганда ўғитланган ерларга сувни кўпроқ сарф қилиш керак. Шунга кўра ҳархил даражада ўғитланган участкаларда суғоришнинг сони ва суғориш вақти ҳам турлича бўлади. Юқори ҳосил олиш учун кўпроқ нормада ўғит солинганда суғориш сонини кўпайтириш, бир суғоришдан иккинчи суғоришгача бўлган муддатни қисқартириб, биринчи суғоришни эртароқ бошлаш керак.

Ўғитланган ерларда ғўзанинг ривожланиши тезроқ бўлганлиги (масалан, бундай ерлардаги ғўза ўғитланмаган ерлардаги ғўзаларга қараганда эртароқ гуллаганлиги) сабабли, суғоришларнинг ҳаммасини ҳам бирмунча эртароқ бошлаш керак. Бунда суғоришнинг муайян муддатларини айтиб бериш мумкин эмас, бу масалани ҳарбир айрим ҳолда алоҳида ҳал қилмоқ керак.

Ғўзани яхши ёки ёмон ишлаш ҳам суғориш сонига ва суғориш муддатига та'сир қилади. Масалан, суғориш

тартиби ернинг ишланишига қараб ўзгартирилиши мумкин. Бу нарса айниқса ерни академик Вильямс кўрсатмасига кўра кузда шудгорлаб кўкламда ҳайдамасдан ишлашга кўпроқ та'аллуқлидир. Ерни одатдагича кўкламда ҳайдаб ишлашда тупроқнинг устки қатлами шу қадар қуриб қоладики, оқ-бўз тупроқ ерларда чигит суви бериш зарурияти туғилади. Ерни кўкламда ҳайдамай, бир марта бороналаш блан кифояланганда чигит суви бериш учун эҳтиёж бўлмайди. Натижада биринчи ва ундан кейингисуғориш муддатлари ҳам ўз-ўзидан бирмунча кейинга сурилади.

Бундан ташқари, ерни кўкламда бороналаш блангина чигит экканда ғўза тезроқ ривожланади, шу сабабли суғоришни ҳам бирмунча эртароқ муддатларда ўтказишга тўғри келади. Ғўза гуллаганда суғоришлар ўртасидаги давр қисқаради, пахта етилаётган вақтда эса бирмунча чўзилади.

СУҒОРИШ ТЕХНИКАСИ

Ғўзани суғоришда, биринчидан, сувнинг бутун суғориладиган майдонга биртекисда тақсимланишига, иккинчидан, агротехника тадбирларига кўра вужудга келтирилган ернинг яхши хусусиятини мумкин қадар кўпроқ сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқ керак.

Мана шу талабларга ва тажриба ҳамда текшириш маълумотларига кўра, шўрланган ва шўрланмаган ерларнинг ҳаммасида ғўзани эгатлар орқали суғориш керак. Кейинги вақтларгача шўр ерларни ёппасига бостириб суғорар эдилар. Энди бундай суғориш қат'иян тақиқланади. Эгат олиб суғорганда сув камроқ сарф бўлади, ернинг ҳайдаладиган қатлами унчалик қотиб қолмайди ва умуман ғўзанинг парваришига куч кам кетиб, ҳосил анча кўп бўлади. Шўр ерларнинг ғўза ўсаётган даврларда эмас, балки қиш даврида шўрини ювиш керак.

Текисланган, салгина нишаб ерларда оқава чиқармасдан, этаги берк эгатлар олиб суғориш керак. Суғориладиган эгатларнинг охирини (беш-ўнтасини) кўндалангига олинган эгат блан бирлаштирмоқ керак. Этаги берк эгатларнинг чуқурлиги биринчи суғориш вақтида 18 сантиметр, кейинги суғоришларда эса 20 сантиметрдан кам

бўлмаслиги керак. Бу хилда эгат олиб суғорганда эгатларга 1 секундга 1,5 литр сув оқизиб, эгатдаги сувнинг қалинлиги 12—15 сантиметрга етказилиши керак.

Эгатларнинг узунлиги оғир ерларда 70—100 метр, ўрта ерларда 50—70 метр ва енгил ерларда 30—50 метр бўлиши лозим.

Нишаброқ ерларда очик эгатлар олиб, эгатларга берилган сув унинг этагидан чиқиб кетади. Бундай усул блан суғорилганда эгатларнинг чуқурлиги нишаби кўпроқ бўлган ерларда 12-15 сантиметр, нишаби камроқ ерларда 15—18 сантиметр бўлиши керак. Эгатларнинг узунлиги ва шу эгатларга бериладиган сувнинг миқдори ернинг нишаблигига ва ернинг сув сингдиришига қараб белгиланади (6-нчи жадвал).

6-нчи жадвал

Ернинг нишаби	Ернинг сув сингдириши	Эгатларнинг узунлиги (метр ҳисобида)	Эгатдан бир секундда оқадиган сув литр ҳисобида
1. Озроқ	Озроқ	150—200	0,5—0,7
2. Ўртача		120—150	0,3—0,5
3. Кўпроқ		100—120	0,1—0,3
1. Озроқ	Ўртача	120—150	0,6—0,8
2. Ўртача		100—120	0,4—0,6
3. Кўпроқ		80—100	0,2—0,4
1. Озроқ	Кўпроқ	80—100	1,0—1,2
2. Ўртача		60—80	0,7—1,0
3. Кўпроқ		40—60	0,4—0,7

Баъзи колхозларда 400 ва 500 метрга етадиган гоёат узун эгатлар оланади. Бундай эгатлар блан суғориш 4—5 кун давом этади, чунки сувнинг, ҳатто жуда кўп оқизиб қўйганда ҳам, эгат охирига етиши анча қийин бўлади. Бундан ташқари, эгат бу қадар узун бўлиши натижасида ер биртекисда намиқмайди, эгатнинг бош қисми жуда намиқиб, этаги етарли даражада суғорилмайди. Эгатнинг узунлиги ҳатто 150 метр бўлганида ҳам ер биртекисда намланмайди. Натижада гўза учидан ва

эртароқ гуллайди. Бундай узун эгатларни кўндалангига ўқариқ олиб, кесиб, 6-нчи жадвалда кўрсатилганидек узунликда эгатлар ясаш керак.

Ҳаргалги суғоришда ва айниқса биринчи суғориш пайтида дастлаб сувни камроқ оқизиб, аста-секин кўпайтирабориш керак. Сув эгатнинг охирига бориб етгандан кейин сув оқимини камайтириб, то суғоришнинг охиригача бу оқимни ўзгартирмаслик керак. Суғоришни шу тартиб билан олиб борганда оқава сув жуда камайиб, ерни биртекисда намлатиш мумкин бўлади. Суғорган вақтда эгатларнинг ювилиб, марзаларни сув босиб кетмаслигига эътибор бериш керак. Бунинг учун сувнинг оқишини ўз вақтида тартибга солиб туриш зарур.

Ҳарбир суғоришнинг давоми суғориш нормасига, суғориш усулига ва тупроқнинг қанчалик сув сингдиришига қараб ҳархил бўлади. Дала бети биртекис қорайиб, тупроқ маълум чуқурликкача намлангандан кейин суғоришни тўхтатиш керак (суғориш нормалари бобига қаранг). Сувни тез сингдирадиган ерларда ва ерости сувлари юзaroқ ерларнинг ҳаммасида биринчи сувни эгат оралатиб бериш мумкин.

Суғориш вақтида оқава сувлар одатда оддий ариқларга чиқарилиб, кейинги ерларни суғориш учун истифода этилади. Аммо баъзан оқава сувни зовурларга оқизиб қўйиш ва бу билан зовурларни ишдан чиқариш ҳоллари ҳам бўлади. Буни қатъиян тақиқлаш керак. Умуман, оқава сувни мумкин қалар камайтириш керак. Оқава сув далага келадиган сувнинг 10—12 процентидан ошиқ бўлмаслиги керак.

Ўўза қаторлари жипслашгунча эгат олиш ишлари суғоришдан 1—2 кун илгари бажарилиши лозим. Бундай қилганда сув эгатларини ўз вақтида яхшилаб тахт қилиб қўйиш мумкин бўлади, шу билан бирга тупроқ қуриб қолмайди. Ўўза қаторлари жипслашганидан кейин культивация қилиш билан эгат олиш ишини бир вақтда бажариш керак. От оқучниги ва трактор культиватори билан чуқур эгат олинмаган участкаларда оқучникни иккинчи марта ўтказиб эгатни чуқурлатиш керак.